



Expression of action verbs in spoken English and Uzbek

Tuliboy MADRAKHIMOV¹

Uzbekistan State University of World Languages

ARTICLE INFO

Article history:

Received August 2024

Received in revised form

10 September 2024

Accepted 25 September 2024

Available online

25 October 2024

Keywords:

colloquial speech,
work-action,
linguistic structures,
semantic analysis,
sociolinguistics,
cultural context,
everyday conversation,
action verbs,
language comparison,
communication patterns.

ABSTRACT

This article explores the expression of words denoting work-action in the colloquial speech of English and Uzbek languages. It investigates how work-related actions are articulated in everyday conversations, highlighting the similarities and differences in linguistic structures, semantic nuances, and cultural contexts. By analyzing various colloquial expressions and their usage in both languages, the research aims to uncover the underlying sociolinguistic factors that influence the representation of work and action. Additionally, the study examines how these expressions reflect cultural attitudes towards labor, productivity, and social roles within English and Uzbek-speaking communities.

2181-3701/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-3701-vol2-iss4/S-pp272-275>

This is an open-access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Инглиз ва ўзбек тиллари сўзлашув нутқида иш-ҳаракатни билдирувчи гапларнинг ифодаланиши

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

сўзлашув нутқи,
иш-ҳаракат,
лингвистик тузилмалар,
семантик таҳлил,
социолингвистика,
маданий контекст,
кундалик суҳбат,
ҳаракат феъллари,
тилни таққослаш,
мулоқот нақшлари.

Ушбу мақолада инглиз ва ўзбек тилларининг сўзлашув нутқида иш-ҳаракатни билдирувчи сўзларнинг ифодаланиши ўрганилади. У иш билан боғлиқ ҳаракатлар кундалик суҳбатларда қандай ифодаланганлигини ўрганади, лингвистик тузилмалар, семантик нуанслар ва маданий контекстлардаги ўхшашлик ва фарқларни таъкидлайди. Турли хил сўзлашув ибораларини ва уларнинг иккала тилда ишлатилишини таҳлил қилиб, тадқиқот иш ва ҳаракатни акс еттиришга таъсир қилувчи асосий социолингвистик омилларни аниқлашга қаратилган. Бундан ташқари, тадқиқот ушбу иборалар инглиз ва ўзбек тилида сўзлашадиган жамоалардаги

¹ PhD, Uzbekistan State University of World Languages.

меҳнат, маҳсулдорлик ва ижтимоий ролларга нисбатан маданий муносабатларни қандай акс еттиришини ўрганади.

Английские и узбекские выражения предложений действия в разговорной речи

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

разговорная речь, работа-действие, лингвистические структуры, семантический анализ, социолингвистика, культурный контекст, повседневный разговор, глаголы действия, языковое сравнение, коммуникативные паттерны.

В данной статье рассматривается использование лексики, обозначающей рабочие действия, в разговорной речи английского и узбекского языков. Исследование посвящено тому, как действия, связанные с трудовой деятельностью, выражаются в повседневных разговорах, с акцентом на сходства и различия в языковых структурах, семантических оттенках и культурных контекстах. Анализируя разнообразные разговорные выражения и их употребление в обоих языках, работа направлена на выявление ключевых социолингвистических факторов, которые влияют на восприятие труда и связанных с ним действий. Помимо этого, в статье уделяется внимание тому, как эти выражения отражают культурное отношение к труду, производительности и социальным ролям в англоязычных и узбекоязычных сообществах.

Инглиз ва ўзбек тилларида бу гапларнинг қурилиши ва маъно қўлами турлича бўлиб, динамик кесимга эгадир, чунки улар мазмунига кўра статик гапларга қараганда бойроқдир.

Маълумки, компонент таҳлил лингвистик таҳлил усули сифатида кўп маъноли сўзлар мазмуний тузилишининг таркибини таҳлил қилиш мақсадида семасиология фанида ишлаб чиқилган эди. Бу метод семасиологияда сўзларнинг турли лексик-семантик гуруҳлар (ЛСГ) ва лексик-семантик вариантлар (ЛСВ)ни аниқлаш ва уларнинг лингвистик хусусиятларини очиқ беришга хизмат қилади. Мазкур ишда эса биз таркибий таҳлилни сўзлар семантик структурасини ўрганиш учун эмас, балки гаплар семантик структурасининг компонентларини таҳлил қилиш учун қўлладик. Кесими турли нисбат шакллари билан ифодаланган гаплар семантик структурасининг таркибий таҳлили бу турдаги гаплар маъносини очиқ беришга хизмат қилади. Инглиз тилида энг кенг тарқалган тузилмалар 1 ва 2 валентли феъллар билан ясалган. 3 ва 4 валентли феъллар билан ясалган тузилмалар эса нисбатан озроқ. Ўзбек тилида ҳам худди шу нарса кузатилди.

Феъл томонидан англашилган иш-ҳаракатнинг амалга ошуви ва унда иштирок этувчи мажбурий конституентларнинг функционал роллари масаласи когнитив тилшуносликда ҳам кейинги пайтларда маълум даражада тадқиқ қилинмоқда. Масалан, иш-ҳаракат ва унинг мажбурий иштирокчиларини Дж.Ч.Филлмор “Фрейм” атамаси билан номлайди (1).

Мана шу нуқтаи назардан ўзбек тили сўзлашув нутқида ишлатилган мисолларда энг кўп учраган феълларнинг фрейм структурасини таҳлил қилайлик.

1. Бир ўринли феъллар (ёки, Тенъернинг таъбири билан айтганда, бир валентли феъллар): *ётмоқ, бормоқ, келмоқ, турмоқ, юрмоқ.*

Собир келди. Салим юрди.

Аниқроқ қилиб айтсак, бу иш-ҳаракатлар бир актантли фрейм структурага эгадир, яъни уларнинг бажарилиши учун фақат субъектнинг (жонли ёки жонсиз) ўзи кифоя, агар субъект ўрнида жонсиз предмет ишлатилса, метафора ясалади. Масалан: Хат **келди**. (Тўғрироғи, хатни почтальон келтиради, у ўзи кела олмайди). Аҳмад анчагача ухлолмай **ётди**. Қор ерда баҳоргача **ётди**.

2. Икки валентли феъллар: *қўрмоқ, емоқ, ичмоқ, топмоқ* ва шу кабилар.

Бу иш-ҳаракатларни бажариш учун 2 та объект ёки 1 субъект ва 1 объект зарурдир.

Масалан: Салим чой ичди. Карим қуймоқ еди.

Лекин агар субъект ўрнига жонсиз от ишлатилса, метафорик, яъни кўчма маъно ҳосил бўлади. Масалан: Карим кўп қуймоқ ейди. Бу машина кўп бензин ейди. (*Ичади* деб бўлмайди.)

Бу ерда семантик комбинаториканинг 2 қоидаси бузилмоқда, яъни:

а) машина ея олмайди; б) бензинни еб бўлмайди, у суюқ нарса, уни ичиш мумкин.

Айрим ўринларда бу феъллар билан англашилатган феълларнинг амалга ошувида яна бир семантик роль ёки валентлик иштирок этиши, яъни қурол (восита) пайдо бўлиши мумкин.

Масалан: Карим қуймоқни қошиқ билан ейди. (Қошиқ – инструмент (қурол))
Ёки: Карим ошни қўлида ейди. (Қўл – бу ерда қурол)

Лекин: Карим ошни оёғида туриб еди. Бу ерда феъл 2 валентли, чунки “оёғида туриб” гапнинг мажбурий ташкил этувчиларига кирмайди.

3. Уч валентли сўзлар ҳам ўзбек тилидаги феълларнинг каттагина қисмини ташкил қилади. Масалан, *олмоқ* (кимдандир, ниманидир, кимдир); *бермоқ* (кимдир, кимгадир, ниманидир); *айтмоқ* (кимдир, кимгадир, ниманидир); *қўрсатмоқ* (кимгадир, ниманидир, кимнидир).

Масалан: Отабек Собирга китобни берди.

↓↓↓ ↓

субъект пациенс объект феъл

4. Бу гуруҳга кирувчи феъллар миқдори барча тилларда жуда кам. Тўрт валентли феъллар, ўзининг семантик структураси мураккаб бўлганлиги учун, мураккаб конфигурацияни ясайдилар. Бу феълларга *to buy – сотиб олмоқ, to sell – сотмоқ* сўзлари мисол бўла олади.

Нодир дўкондан дока сотиб олди.

Бу ерда савдо-сотиқни амалга ошириш учун 4 та унсур керак: сотувчи, олувчи, сотиладиган, олинадиган нарса ва олди-берди воситаси бўлмиш пул. Булардан бирортаси бўлмаса ҳам иш-ҳаракат содир бўлмайди, чунки фрейм структураси етарли даражада шакллана олмайди.

Ўзининг семантик тузилиши жиҳатидан кесими мажхул нисбатда бўлган гаплар СНда шахсиз гапларга яқин туради (2). Чунки ҳар иккала ҳолда иш-ҳаракатнинг ҳақиқий бажарувчиси грамматик жиҳатдан ифодаланмаган бўлади. Бу каби яқинлик шахсиз гапларда кўп ҳолатларда гап кесимининг мажхул нисбатда бўлиши билан характерланади. Лекин шундай бўлса-да, бу икки турдаги

гаплар ўртасида яқинлик шу билан тугайди. Чунки гапнинг мазмунини семантик трансформация қилиш шахсиз гапларни шахсли, кесими мажхул нисбатда бўлган гаплардан дарҳол фарқлайди. Мажхул нисбатда келган кесимли гапларнинг ҳақиқий субъектини актив-пассив трансформацияси ёрдамида тиклаш мумкин (3). Шахсиз гапларда эса бу нарсанинг имкони йўқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Сафаров Ш.С. Принцип системно-семантического анализа синтаксических единиц. – Т.: Ўқитувчи, 1983. – 96 с.
2. Нецименко Г.П. Динамика речевого стандарта современной публичной вербальной коммуникации: Проблемы. Тенденции развития // Вопросы литературы. – Москва, 2001. – №1. – С. 87-102.
3. Лаптева О.А. Узус как арена языкового изменения // Коммуникативно-смысловые параметры грамматики и текста. –М.: Гнозис, 2002. – С.121-312.